

Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш учун  
02- РБ-22/ЙЛ - сонли

**ШАРТНОМА**

2022 йил 16 май

Карши шахри

“Қашқадарё вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК “Буюртмачи” тарафнинг тўлиқ номи ва ташкилий-хукукий шакли филиали (келгуси ўринларда “Буюртмачи” деб аталади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи “Буюртмачи” тараф директори А.Хақбердиев бир томондан, “Иш бажарувчи” тарафнинг “YO’L-LOYIHA BYUROSI” МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб аталади) номидан Низом асосида иш юритувчи “Иш бажарувчи” тарафнинг раҳбари Р.Хазраткулов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартағи “2022-2026 йилларда “Обод кишлок” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-172-сонли қарорига мувофиқ, 2022 йил учун Манзилли рўйхатга асосан қўйида кўрсатилган обьект бўйича техник қўригидан ўтказиш ва лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш бўйича шартнома туздилар:

**ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Объекти лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича мажлис ўтказилган (баённома тузилган) санадаги Объекти лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича тузилган 2022 йил 12 майдаги баённома ва 79759-сонли лотга асосан “Лойиха-смета хужжатлари тайёрланадиган Ғузор тумани Янги Ҳаёт МФЙ Кичик Батош қишлоғи йўлини жорий таъмирлаш обьекти лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни Бажарувчи ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиха-смета хужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни кабул килиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёрларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қўйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси - 1-иловага мувофиқ;

- асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофиқ;

- лойиха ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофиқ белгиланади ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

1.5. Бажарувчи шартнома бўйича лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқади. Учинчи шахсни ёллаган ҳолда белгиланган тартибда Буюртмачи ёки Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини давлат экспертизасидан ўтказади.

1.6. Бажарувчи лойиха-смета хужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошка тегишли экспертиза хulosасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида 3 (уч) нусхада мазкур лойиха ва кидирув ишлари хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

**ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

2.1. **Буюртмачининг мажбуриятлари:**

2.2. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиха-смета амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда кабул килиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. **Бажарувчининг мажбуриятлари:**

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир хафтадан ошмаган муддатда, талаб килинган сифат даражасида ўз хисобидан кайтадан бажариш мажбуриятини олади.

**ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Қуйидаги шартлар тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларининг бажарилиши бошланган хисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиха-смета хужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул килмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган кўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аникланса, томонлар 5 кун муддат ичida уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вакт ўзаро хисоб-китоб қилиш вакти ҳисобланади.

## ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси кўшимча қиймат солиги билан 11 900 000 (Ўн бир миллион тўккиз юз минг) сўмни ташкил этади.

4.2. Мазкур обьект бўйича тўлов манзилли дастурга тасдиқлангандан кейин молиялаштириш манбаи аникланаб, маблағ ажратилгандан сўнг тўлов амалга оширилади.

4.3. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштириувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда "Буюртмачи" тўловни амалга ошира олмайди.

4.4. "Буюртмачи" шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 15 % микдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Кўйидаги ҳолларда:  
-ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва коидаларига мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларидаги камчиликлар учун курилиш лойиха-смета хужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиха-смета хужжатларида камчиликлар аникланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равиша ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқкан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, конунларда белгиланган тартибда иктисодий судга мурожаат қилишга ҳаклидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳаки кечикирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,01 фоизи микдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини тайёрлаш ўз вактида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташабbusи билан бекор қилингандан, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳакикатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган хужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Пеня тўлаш

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аникланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вактида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб колиш ҳукукига эга.

Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ыонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

## ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган холатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва х.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлик ҳолда тарафлар ўртасида келиб чикадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокоралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган такдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва чиқиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судда кўриб чиқилади.

### КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлик коррупциявий ҳаракатларни содир килмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабатлар юзасидан конунга хилоф равиша пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошка моддий қийматликлар олинишига йўл кўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини уларни беришга ваъда килинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳакида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пурратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошка шахсларнинг) юкоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимдари томонидан ҳар қандай вакт ва шаклда куйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл кўймайди:

а) назорат килувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиши, божхона расмийлаштирувни амалга ошириш, судда иш кўрилиши, конунчилик жараёни ва бошка соҳаларда конунга хилоф равиша тижорат ёки бошка тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб колиши максадида юкоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда килиниши, берилишига;

б) конунга хилоф равиша олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чикишига конуний тус бериш, бундай пул маблаглари ёки бошка мол мулкнинг асл хусусиятини, манбанини, турган жойини, тасаррuf этиш кўчириш усулини, пул маблагларига ёки бошка мол-мулкка бўлган ҳакиқий эгалик хуқукларини ёки унинг кимга карашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид хуқукбузарлик содир килиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазик ўтказиш ёки таҳдид килиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дархол хабарлор қилиши шарт.

7.5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказида, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб бориша, лицензия, рухсатномалар ва бошка рухсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошка ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пурратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, хукукшунослар, хисобчилар, улар номидан ҳаракат килувчи бошка вакилларга) нисбатан куйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

-коррупциявий ҳаракатларга йўл кўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳакида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

-уларни факат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурити доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

-уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳак микдоридан асосиз равиша ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

7.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳакида хабар берилганлиги учун уларга тазик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7.7. Агар бир тарафга бошка тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл кўйганлиги маълум бўлиб колса, иккинчи тарафни бу хам зудлик билан хабарлор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидан тегишли чоралар кўрилишини ва амалга

оширилган ишлар юзасидан унга хабардор килишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф килиш бўйича оқилона муддат ичидаги чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари хақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳакли.

### ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

8.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва у ўз зиммасига олинган мажбуриятларни тўлиқ бажаргунга қадар амал қиласди.

8.2. Ушбу шартнома бўйича тўлов манзиллий дастурига киритилиб, ушбу обьект бўйича ҳисоб раками очилганидан кейин, ҳисоб ракамига маблағ ажратилгандан сўнг тўловлар амалга оширилади.

#### ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҶАМЛАРИ

Буюртмачи:	«Иш бажарувчи»
Қашқадарё Минтақавий йулларга буюртмачи хизмати ДУК Манзили: Қарши шахри Хонобод кўчаси 23-үй Тел: 224-16-75 Факс: 224-16-98	Корхона номи: YO'L-LOYIHA BYUROSI" МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали Манзили: 100000, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68А –үй, Қарши ш.хонобод кўчаси 23 уй Тел: Тел: (0371) 237-38-55, 237-36-69 СТИР: 300112785 ОКЭД: 71110
ИНН: 304 934 733 ОКЭД: 71110 Ш.х/р: 304521860104017045129118118	
Тошкент ш. Марказий банк ББХКМ Молия Вазирлиги Ғазначилиги МФО:00014 ИНН 201 122 919 Х\Р: 234 020 003 001 000 010 10	Банк: АТИБ “Ипотека банк” Яшнобод филиали МФО: 00959 Х\Р: 2020 8000 8040 1094 1001
Директор:  А.Хақбердиев.	Директор:  Р.Хазраткулов

Бош юрисконсульт:



Ф.Марданов

Юрисконсульт:



QASHQADARYO  
VILQATI  
FILIALI